

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 17-noyabr, payshanba

№ 44 (9208) -son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

ФАРФОНА ВИЛОЯТИ

ТОМОРҚАЧИЛИК КЛАСТЕРИ ОИЛАЛАРГА КЎМАКДОШ

Томорқачилик оилалар фаровонлигининг муҳим омили ҳисобланади. Кафтдек ердан оқилона фойдаланиб, салмоқли даромад олаётганлар анчагина

Фаргона вилоятидаги қўллаб маҳаллаларда бу борада катта тажриба тўплаган. Айниқса, томорқачилик кластерларининг ташкил этилиши яхши самара бермоқда. Бунинг натижасида, аввало, аҳоли томорқачиликдан унумли фойдаланиши, ҳар бир қарич ернинг қадрига етиши кўникмалари шакллантириляпти, шу билан бирга, шисиз фуқароларнинг бандлиги таъминланиб, уларнинг доимий даромад манбаи яратилмоқда.

Риштон туманининг “Бирлашган” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда томорқачилик кластери ташкил этилганига эндигина икки йил бўлди. Бу ерда қисқа даврда яхши натижаларга эришилди. Бугунги кунда мазкур кластер томонидан 2 та 7 сотихли иссиқхона ташкил қилинган бўлиб, лимон, апельсин, грейпфрут ва мандарин кўчатлари парвариланмоқда. Жорий йилда кўчатлар 4 ёшга тўлди. Лимон кўчатларининг ҳар биридан 50-60 килограмм, умумий ҳисобда 8-9 тонна сара ҳосил йиғиштириб олиш кўзланган. Деҳқонлар мандарин ва апельсин кўчатлари ҳам бу йил 40-45 килограммдан ҳосил беришини айтмоқда.

— Ерни боқсанг, ер элни боқади, деган нақл замирида катта маъно

бор. Халқимиз ердан фойдаланиши, мўмай даромад олиш ҳадисини олган. Фақат уларнинг бошини бириктириб, маълум йўналишга солиш зарур, — дейди иш бошқарувчи Воҳиджон Раҳимов. — Цитрус меваларни ўзимизда ҳам етиштириш, ҳатто экспорт қилиш мумкинлигига илгари кўпчилик ишонмасди. Мана, кўриб турганингиздек, қилинган меҳнат ўз самарасини бермоқда. Деярли ҳар куни атроф қишлоқлардан одамлар келиб, кўриб, ўрганиб кетишади. Қўлимиздан келганича амалий ёрдам берамиз.

Иссиқхонада баравж ривожланган бир қанча узум тоқлари эътиборни тортади. “Эрта баҳорда уларнинг янги унган баргларини териб, коваток учун сотиш мум-



кин”, дейди Воҳиджон ака ҳайронлигимизни сезгандек.

Аҳамиятлиси, мазкур томорқачилик кластерида цитрус меваларни кўпайтириш ва аҳолининг билим-кўникмаларини ошириш мақсадида ўқув маркази ҳам ташкил қилинган. Ҳозирги кунда кластерда 2 та мини-трактор, 10 та мото-культиватор, 2 та юк ташувчи

транспорт мавжуд. Улар ёрдамида агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилади.


— 500 тонна сигимга эга совиткич ҳам ташкил қилганмиз. Жойга қараб аҳоли томонидан етиштирилган сабзи, олма каби маҳсулотларни сақлаб берамиз, — дейди кластер раҳбари Исомиддин Уринбоев. — Омборларимизда минг тон-

на бўғдой турибди. Шу кунларда туркиялик ҳамкорларимиз билан ун ишлаб чиқариш цехини ишга тушириш ҳаракатидамиз. Аҳолини сифатли ва нисбатан арзон ун билан таъминлаш, кейинги йиллардан экспорт қилишни мақсад қилганмиз.

Бу ерда ҳозирча 12 нафар ёшлар доимий иш билан банд. Советкич ва ун цехи ишга тушиши билан яна ўнлаб қишлоқ ёшлари ишли, даромадли бўлади. Жорий йилда кластер томонидан паррандачиликни ривожлантириш мақсадида аҳоли хонадонларига жами 20 минг дона жўжа етказиб берилган. Айни кунларда уларнинг ярми тухум бера бошлади. Бу йўналишда ҳам ўзига яраша режалар тузилган. Туманда фаолияти кўзга кўрина бошлаган мазкур томорқачилик кластери жамоаси бир олам эзгу мақсадлар йўлида тер тўқмоқда. Бу сазй-ҳаракатлар аҳолининг қизиқишини ошириб, томорқачиликка нисбатан илмий ёндашишга замин яратмоқда.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА муҳбири.

Ислохотлар амалда!



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

ЛОЙИХА ТЎЛИҚ ЯҚУНЛАНГАЧ, 232 МИНГГА ЯҚИН АҲОЛИНИНГ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Сурхон воҳасида умумий узунлиги 150,9 километр бўлган Ҳазорбоғ, Оққапчиғай каналларини реконструкция қилиш ишлари қизғин олиб борилаяпти. Лойиҳанинг умумий қиймати 122,72 миллион доллардан иборат. Шунинг 89,55 миллион доллари Ислом Тараққиёт банки ҳамда 33,17 миллион доллари Ўзбекистон томонидан молиялаштирилади.

Ушбу маблағ ҳисобига Ўнг қирқоқ, Тўпаланг, Қоратоғ, Ҳазорбоғ, Оққапчиғай каналлари, шунингдек, Шеробод магистрал канални боғловчи канал, Р-1, Р-2 каналлари, Тангимушсой ўзани сув тўсувчи перепадлари, 2 та автомобил ўтиш кўприги ва битта сел ташламани реконструкция қилиш режалаштирилган. Бундан ташқари, каналлардаги 299 та гидроиншоот ҳамда 340 та гидроступни янгидан қуриш ва бир қисмини реконструкция қилиш кўзда тутилган. Лойиҳани амалга ошириш учун 5 та пудрат ташкилоти жалб қилинган. 2018 йилдан ҳозиргача лойиҳада белгиланган каналларнинг 120 километри реконструкция қилинди. Жумладан, 1932 йил қурилиб, 1974-1976 йилларда қисман реконструкция бўлган, бироқ ўтган вақт мобайнида айрим жойлари бетони кўчиб кетган, узунлиги 47,2 километрдан иборат Ҳазорбоғ каналининг асосий қисми таъмирланди. Бундан ташқари, 1974 йил қазилган, умуман бетонлаштирилмаган тупроқ ўзани, умумий узунлиги 36,2 километрли Оққапчиғай канали тўлиқ бетонлаштирилмоқда. Ҳар икки каналда режалаштирилган 299 та гидроиншоотнинг 80 таси, 340 та гидроступнинг 140 таси янгидан барпо этилди. Бандихон тумани далагарини сув билан таъминловчи, узунлиги 7,2 километрли Р-1 канали тўлиқ бетонлаштирилди, шу тумандаги узунлиги 19,2 километр Р-2 каналининг 15 километри реконструкция қилиниб, 4,2 километри янгидан қурилди. Лойиҳа доирасида Денов туманидаги “Салом” боғдорчилик фермер хўжалигининг 25,8 гектар узувори, Олтинсой туманидаги “Обшир” ва “Хўжайпоқ” ҳудудларидаги 5 та фермер хўжалиги тасарруфидидаги 59,2 гектар тоқзор ҳамда Бандихон туманидаги “Бандихон гурури” фермер хўжалигига тегишли 15 гектар мевали боғда сув тежовчи технологиялар ўрнатилди. Шунингдек, Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ва унинг ирригация тизимларига 28 та ҳар хил турдаги техника, 10 та моторелёр, 4 та юкловчи кран, 6 та трактор, 4 та тиркама, 4 та ПИКАП русумли автомашина, 2 та лазер ускунаси ажратилди. Айни пайтда лойиҳадаги хўжаликларо Ҳазорбоғ ва Оққапчиғай каналларининг қолган 30,9 километр қисмини реконструкция қилиш тез суръатларда давом эттириляпти.

(Давоми 3-саҳифада)

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАНАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан жорий йилнинг 2 мартда қабул қилинган ҳамда Сенат томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни жорий йилнинг 9 ноябрдан кучга кирди. Бу албатта, қонунчилигимиз халқаро стандартлар ва мезонларга мос равишда қабул қилиниб, амалиётга тадбиқ этилаётганидан далолат беради. “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили” Давлат дастурида давлат фуқаролик хизматида кадрларни танлаш, уларнинг малакасини ошириш ва фаолиятини баҳолаш бўйича самарали ва очиқ тизимни жорий этиш белгиланди.

Давлат хизматчиси ким, давлат хизматчилари фаолияти қандай баҳолашни керак, деган саволлар туғилиши табиий. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддаларида давлат фуқаролик хизматчиси, уларнинг ҳуқуқий мақоми, мажбуриятлари аниқ ва равшан баён этилган. Хусусан, Давлат фуқаролик хизмати лавозимида ўз фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси давлат фуқаролик хизматчисидир. Ушбу Қонуннинг амал қилиши Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимлардаги давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолиятига нисбатан тадбиқ этилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик

палатаси депутатларининг ва Сенати аъзоларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси ҳамда бошқа маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси девонлари ходимларининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг, судьяларнинг ва суд тизими ходимларининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви аъзоларининг, прокуратура, ички ишлар, мудофаа ишлари, фавқуллода вазиятлар, Давлат ҳавфсизлик хизмати органларида хизматни ўтаётган давлат хизматчиларининг, шу жумладан, ҳарбий хизматчиларининг, давлат органларининг техник ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ходимларининг фаолиятига нисбатан тадбиқ этилмайди.

(Давоми 2-саҳифада)



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

“ЯШИЛ МАКОН” – БОҒУ ГУЛЗОРЛАРГА КОН

Республикаимиз миқёсида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси асосида эълон қилинган “Зарбдор 40 кунлик”да Уруғчиликни ривожлантириш марказининг Наманган вилояти бошқармаси ҳамда вилоятдаги мавжуд 5 та элита уруғчилик хўжаликлари жамоалари ҳам фаол иштирок этмоқда.

— “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 3168 туп мевали, манзарали, бута ва гул кўчатлари экишни режалаштирганмиз. Бунинг учун дам олиш кунлари мутахассислар ҳамда миришкор деҳқонлар томонидан берилган таъсиялар асосида кўчат экиш муддати, иқлим-шароитни инобатга олган ҳолда ерни сифатли тайёрлаб, кўчатларни экиш ишларини амалга оширмоқдамиз, — дейди бошқарма бошлиғи Ойбекжон Ҳайдаров.



ОБУНА МАВСУМИ ДАВОМ ЭТАДИ!

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР, “ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ”НИНГ КўП ЙИЛЛИК ҚАДРДОНЛАРИ, ҲАМФИКРЛАРИ, ҲАМКОРЛАРИ!

Бугун ўзингизга яхши маълумки, юртимизда кейинги йил учун даврий нашрларга обуна уюштириш даври. Бу давр шундай ўтмоқдаки, газетанинг жамиятдаги ўрнига бефарқ қараш, унинг хизматини шубҳа остига олиш каби негатив қарашли фикрлар ҳам қўлоғингизга чалиниб тургандир? Бундай ҳулосалар аллақачоноқ бутун дунёда, хусусан, юртимизда ҳам асоссиз фикрлар эканлиги ўз тасдиғини топиб бўлди. Бугун газета ва унинг муштарийси ҳамфикр бўладиган пайт келди. Газета ҳеч қачон Сизнинг беминнат ҳаммаслагингиз бўлиш ниятидан воз кечмайди. Сизнинг ҳам ўз хизматингизга беминнат киришувчи нашрингизни маҳкам кучиб, қўллайдиган пайтингиз бугун. Биз Сизга ишонамиз. Шу мақсадда бугун давом этаётган обуна мавсумида қарийб 50 йил давомида ҳаммаслагингиз бўлган ўз нашрингизга обуна бўлишда асло иккиланманг! Сиз обуна бўлиб, ўз-ўзингизга бир йил давомида маънавий-маърифий дастёрингиз, фаолиятда кўмакчингизни танланг.

“ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ” Сиз билан

ОБУНА ОБУНА УЮШТИРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАҲРИРИЯТ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Таҳририят билан боғланиш учун телефон рақамлар: 71-233-40-87, 71-233-09-93, 71-233-28-04, 95-080-43-70, 99-050-69-45, 90-317-19-16.



"Хар биримиз кучли бўлсаккина, ШХТ кучли бўлади!"

СИЁСИЙ БИРДАМЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКДА ГАП КЎП

Ўзига хос тарихий эврилишлар даврида яшамокдамиз. Бугун 100 йиллар давомида шаклланиб улгурган халқаро универсал стереотиплар ўз моҳиятини йўқотиб бормоқда. Геосиёсий қарама-қаршилиқлар, минг йиллар давомида қўшни – ери суви, маданияти ва тарихи бир-бирига яқин бўлган давлатлар ўртасида ҳам ишончсизлик, тушунмовчиликлар глобал миқёсга, рекорд даражага чиқмоқда, деб айтиш мумкин. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, давлатлар ўртасидаги бундай ўзаро ишончсизлик жараёни жаҳон иқтисодиётининг аввалги тараққиёт йўлига қайтишини ва глобал таъминот занжирларининг тикланишини мураккаблаштирмоқда.

Бундай мураккаб шароитда бир ҳақиқат аниқ: ҳеч бир мамлакат ёлғиз ҳолда ушбу глобал хавф-хатарларни четлаб ўтиш ёки бартараф этишга қодир эмас. Самарали халқаро ҳамкорлик – бу дунёда барқарор, ишончли ва фаровон тараққиётнинг энг муҳим омилдир. Айнан шундай ёндашув замонамизнинг долзарб муаммоларини баҳамжihat ҳал этиш, янги хавф-хатар ва ижтимоий ларзалардан ҳимояланиш учун энг аниқ, мақбул ва самарали йўл ҳисобланади. Ана шундай вазиятда муҳим тарихий воқеа – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Самарқанд саммити жуда маъсулиятли даврда муваффақиятли ташкил этилди ва бўлиб ўтди, дейиш мумкин. Халқаро анжуманда ўн тўртта давлат ва ҳукумат раҳбарлари, шунингдек, ўндан ортиқ халқаро ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Бир ҳафта давомида бутун дунёнинг нигоҳи Самарқандга қаратилди. Қадимий Буюк Ипак йўли марказида жойлашган кўҳна ва қадим кент дунё давлатлари етакчилари ва ҳукумат раҳбарларини ўз бағрига олди. Айни кунда ШХТ улкан географик маконни қамраб олган ва сайёрамиз аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган, дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилотдир. Статистик маълумотларга кўра, бугун ШХТга аъзо давлатлар яппи ички маҳсулотининг умумий ҳажми жаҳон кўрсаткичининг қарийб чорак қисmini ташкил қилмоқда. Бу эса эндигина 20 ёшга тўлган ушбу

минтақавий ташкилот томонидан дунёнинг барқарор ривожланишига қўшилаётган ҳиссанинг салмоғи юқори эканидан далолат беради. Эътиборли жиҳати шундаки, ШХТнинг халқаро ташкилот сифатидаги жозибдорлиги унинг фаолияти асосини ташкил этадиган қатор тамойилларда намоён бўлмоқда. Ташкилотнинг турли блоклардан холи мақомга эга экани, минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали кўп томонли ҳамкорликни илгари суриш, очиклик, учинчи мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмагани, барча иштирокчи томонларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, ички ишларига аралашмаслик, сиёсий қарама-қаршилиқ ва ихтилофли рақибликка йўл қўймастик каби жиҳатлар ташкилотнинг муваффақият гаровидир.

Икки кун давом этган сиёсий тадбирлар давомида давлатлар раҳбарлари ва ҳукуматлар етакчилари билан самарали ҳамкорлик борасида дўстона мулоқотлар, музокаралар олиб борилди, келишувларга эришилди. Жумладан, Туркия билан мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги лойиҳалари ва истиқболли дастурлари, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида юқори технология ишлаб чиқаришлар, замонавий ва самарали инфратузилма объектларини барпо этишга Туркия етакчи компанияларининг тўғридан-тўғри инвестицияларини кўпайтириш масалаларида, Ҳиндистон билан

фармацевтика, тиббиёт, терини қайта ишлаш, IT, тўқимачалик соҳаларида бизнес лойиҳаларини кўллаб-қувватлаш, Чобаҳор порти инфратузилмасидан фойдаланиш, Ҳиндистоннинг етакчи олиий таълим муассасалари билан ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларация имзоланди. Беларусь Республикаси билан машинасозлик, агроаналог, кимё, фармацевтика йўналишларидаги ҳамкорлик белгилан олди ва ҳоказо.

Саммитда муҳокама этилган айрим масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза юритамиз. Қўшни Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши ва унинг қайтадан тикланишига кўмаклашиш, бу борада жаҳон ҳамжамияти ва қўшни давлатлар томонидан олиб борилган ижтимоий, иқтисодий ва бошқа ишларни мувофиқлаштиришни кучайтириш бўйича Юртбошимиз томонидан илгари сурилган фикрлар бу кун учун ўта долзарб ва кечиктириб бўлмас вазифадир. Азалдан "қўшнинг тинч, сен тинч" деган ҳикмат замирида улкан маъно мавжуд. Бизга қардош, жондош ва диндош мамлакатда тинчлик ҳукм сурмас экан, хотиржамлик ҳам-маиозга бегона. Афғонистонга нисбатан давлатлар ва халқлар ташкилотларнинг кенг кўламли ҳамкорлик бўйича ёндашувлари янги замон талаблари асосида,



Худайназар ЮНУСОВ, СамДВМЧУ ректори

янгица йўналишларда ташкил этишни тақозо этади. Афғонистонни ўз муаммолари билан яқка қолдириш нафақат минтақа давлатларига, балки бутун дунё ҳамжамиятига бевосита таъсир ўтказиши мумкин. Президентимиз таклиф этган яна бир ечим – Афғонистонни гуманитар кўллаб қувватлаш бўйича махсус фондини Термиз шаҳрида таъсис этиш тўғрисидаги таклиф ҳам айна эътиборга моликдир.

Куннинг яна бир долзарб муаммоси – озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ҳамкорликда ишлаб чиқиш, мавжуд норматив-ҳуқуқий базани янгиллаш, биргаликда тадқиқотлар ва илмий изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда. Таъкидланганидек, қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштириш ва қайта ишлаш дастурлари табиий, сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ва кейинги босқич – логистика, "яшил" ва экспресс-йўлақларни ташкил этишдан иборат. Экология ва Биохилма-хилликни сақлаш масаласи ҳам инсоният тақдирига бевосита таъсир этувчи омиллардан саналиши, шубҳасиз. Халқаро ҳуқуқ нормаларига кўра, биохилма-хилликни муҳофаза қилиш, табиий ҳудудлар тизимли ривожлантирилиши зарур ва бу

жараён халқаро қонун нормалари билан мустаҳкамланган. Аммо, экин майдонлари яроқсиз ҳолга келиб, ҳосилдорлигини йўқотмоқда, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси рекорд даражада камайиб бораёпти, денгиз ва кўллار қуриёпти. Узоққа бормайлик. Орол фақат минтақамиз муаммоси эмас. Унинг тақдирини бутун инсоният тақдирини ўз ичига қолдириши мумкин. Шу боис ҳам, Орол денгизини экологик фожеасининг халокатли оқибатларини бартараф этиш алоҳида долзарб аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, саммит кўллаб глобал масалаларни муҳокама қилиш учун қулай майдон бўлди. Саммит якунида Самарқанд декларацияси имзоланди, жами 44 та ҳужжат – битим, концепция, дастурлар ва бошқа қарорлар қабул қилинди. Қайд этилишича, бу ташкилот тарихида рекорд кўрсаткичдир.

Анжуманга кўҳна кентда катта тайёргарлик кўрилди. Халқимизнинг азалий меҳмоннавозлик хислатлари яна бир марта ўз исботини топди, дейиш мумкин. Қадимдан меҳмон келадиган хонадонда саришталликка катта эътибор қаратилган. Икки йил давом этган бунёдкорлик ишлари давомида Самарқандда яна бир мўъжизавий архитектура мажмуаси – кичик шаҳарча "Буюк Ипак йўли" халқаро туризм маркази барпо этилди. Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган бу мажмуа келгусида ана шундай нуфузли тадбирлар Самарқанд заминига мунтазам ўтказиб борилишини ва бу каби анжуманлар турмушимиз фаровонлиги, тинчлигимиз ва осойишталигимиз, халқларимиз бирдамлигига хизмат қилишидан далолат беради. Зеро, ШХТга аъзо барча давлатлар – энг яқин қўшниларимиз, дўстларимиз ва стратегик ҳамкорларимиздир. Президентимиз таъкидлаганидек, "Хар биримиз кучли бўлсаккина, ШХТ кучли бўлади!" Бундай мураккаб вазиятда сиёсий бирдамлик ва вақтинчалик ҳамкорликкина давлатларни тараққиёт ва фаровонликка элтади, муқаррар таназзулдан асраб қолади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Ўзсаноатқурилишбанк томонидан аҳоли мурожаатлари билан ишлаш соҳасида ўтган 9 ой давомида амалга оширилган ишларга бағишланган брифинг ўтказилди.

АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президентимиз раислигида 2021 йил 23 июлда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини янги ташкил қилиш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борада ҳар бир раҳбарнинг ўз стратегияси бўлиши лозимлиги таъкидланган эди. Брифингда қайд этилганидек, Ўзсаноатқурилишбанк фаолиятида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимли йўлга қўйилган. Унинг ижроси юзасидан доимий ўрганишлар олиб борилмоқда. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи бўйича ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, жисмоний ва юридик шахслардан жами 935 та мурожаат келиб тушган. Шундан 267 таси ижобий ҳал этилган, 606 таси бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан тушунтиришлар берилган ва 62 таси қонун нормаларига зид бўлганлиги сабабли қўрсаткич қолдирилган.



Худудлар кесимида асосий мурожаатлар Тошкент шаҳри аҳолисининг келиб тушган. Умумий мурожаатларнинг 27,1 фоизини ташкил этади. Шунингдек, бу кўрсаткич Тошкент вилояти бўйича 14,5 фоиз, Қашқадарё вилояти миқёсида 7,1 фоиз, Сурхондарё вилояти мисолида 7 фоиз ва Фарғона вилояти бўйича 6 фоизни ташкил қилади. Мурожаатларнинг 293 тасида кредит тўлови муддатларини узайтириш сўралган бўлса, 147 тасида чакана бизнес йўналишидаги масалалар, 132 тасида миллий валютада кредит ажратиш, 46 тасида эса ишга жойлаштириш билан боғлиқ мурожаатлар ўрин олган.

Мамлакатимизда халқ орасига кириш, улар билан яқиндан мулоқот қилишнинг самарали усуллари кенг қўлланилмоқда. "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган эзгу ғоя асосида сайёр қабуллар ўтказилиб, муаммолар жойида ечим топишига эришилмоқда. Хусусан, ҳисобот даврида банк раҳбарияти томонидан 30 дан ортиқ сайёр қабуллар ташкил этилиб, уларда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли 90 дан зиёд мурожаатлар ижобий ҳал қилинди. Бундан ташқари, бугунги кунда банкнинг бош офисидagi ишонч телефонига келиб тушаётган озгак мурожаатларга ҳам тезкорлик билан жавоб бериб келинмоқда. Бу борада ўтган 9 ой давомида 6500 дан зиёд кўнгироклар орқали билдирилган таклиф ва эътирозлар ечими тегишли тузилмалар томонидан ҳал этилди. Брифингда қайд этилганидек, банк тизимида аҳоли мурожаатлари билан ишлашда тузилмалар, ҳудудий тармоқлар ҳамда масъул шахслар фаолияти алоҳида ўрганиб борилди.

Ҳисобот санасида банкнинг ҳудудий тармоқларида ўтказилган ўрганишлар натижасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича ишлаш соҳасидаги 12 та ҳолат бўйича камчилик аниқланган. Бундай ҳолатга йўл қўйган 6 нафар масъул ходимга "хайфсан" интизомий жазо чораси ва 6 нафар ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдоридa жазо қўлланилган.

Тизимда аҳоли мурожаатлари билан ишлашда бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида алоҳида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Унга биноан банк бош офисидagi таркибий тузилмалар ҳамда минтақавий тармоқларда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимига қатъий риоя қилиниши ва бу борада жавобгарлик шахсан раҳбарлар зиммасида бўлиши белгиланган.

Мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириб бориш, хусусан, мурожаатларда кўтарилган масалаларни мурожаатчи билан учрашган ҳолда кўриб чиқиш, тақрибий мурожаатлар бўйича аниқланган муаммоларни батамом ҳал этиш чорасини кўриш, ишонч телефонларининг иш вақтида узлуксиз ишлашини таъминлаш, сайёр учрашувларни мунтазам равишда ташкил этиш ҳамда мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш юзасидан назорат ишларини янада кучайтириш вазифалари белгиланган.

Банк ахборот хизмати

АҲИЛЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК, ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИК ДОИМ БАРДАВОМ БЎЛСИН!

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг қарорига кўра, 1997 йилдан буён 16 ноябрь ҳар йили бутун дунёда "Халқаро бағрикенглик кунин" сифатида нишонланиб келинади. Бу санани Ўзбекистонда нишонлаш ҳам яхши аънаънага айланган. Шу йилнинг 15-20 ноябрь кунлари юртимизда Халқаро бағрикенглик ҳафталиги бўлиб ўтмоқда.

Ҳафталик дастури доирасида пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги кино саройида "Дўстлик" видеороликлар намоиши бўлиб ўтди.

Қадимдан Ўзбекистонда турли миллат ва эллар, диний конфессиялар вакиллари иноқликда яшаб келмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, ижтимоий барқарорликни сақлаш масалаларига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада мамлакатимиз диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик масалаларига ёндашиш бўйича ўзига хос тажрибага эга. Бош Қомусимизнинг 18-моддасида "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий

келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар", деб белгилаб қўйилган.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида бу йўналишдаги амалий ишларни янги босқичга кўтариш юзасидан долзарб масала белгилаб берилган. Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимизда миллий маданий марказлар фаолиятига эътиборни янада кучайтириш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароитларни яратиш бўйича кўплаб эзгу ташаббуслар илгари сурилмоқда. Миллий маданий марказлар ҳар жиҳатдан кўллаб-қувватланмоқда. Улар ўз босқичга эга бўлди. Миллий либослар, зарур техник жиҳозлар билан таъминланмоқда. Юртимизнинг турли ҳудудларида янги ташкил этилган "Дўстлик уйлари" самарали фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистоннинг

миллатлар ўртасидаги тотувликни асраб-авайлаш борасидаги амалий ишлари, эзгу ташаббуслари халқаро миқёсда ҳам юқори баҳоланмоқда.

Эътиборга молик жиҳати, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ёшларни ватанпарварлик, бағрикенглик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу йўналишда кўплаб маърифий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бу жиҳатлар мамлакатимизда бўлиб ўтаётган "Бағрикенглик ҳафталиги" доирасидаги тадбирлар давомида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Бир ҳафта давомида мамлакатимизда кечаётган янгиланишлар, дўстлик, ҳам-

жиҳатлик муҳитини асраб-авайлашга оид учрашувлар, мулоқотлар, анжуманлар бўлиб ўтади. Шунингдек, бадий ҳўнда фотокурғазмалар мазкур йўналишдаги ишлар ҳажми ва мазмунини ёрқин акс эттириши билан аҳамиятлидир.

Миллий маданий марказлар қошидаги бадий жамоаларнинг концертлари ҳафталикка янада кўтаринкилик бағишлаши шубҳасиз.

Кино саройида ўтказилган "Дўстлик" видеороликлар намоиши мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатни янада тўлақонли акс эттиргани билан аҳамиятли бўлди.

Тадбир доирасида, шунингдек, турли миллатларга хос бўлган либослар намоиши ҳам ўтказилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

(Давоми 1-саҳифада)

Содда қилиб айтганда, давлат фуқаролик хизмати – давлат хизматининг бир тури бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат фуқаролик хизмати лавозимларидаги давлат органлари ваколатлари амалга оширилишини таъминлашга доир ҳақ тўланадиган касбий фаолият билан шугулланадиган фуқаролар ҳисобланади. Давлат фуқаролик хизмати тизимининг ягоналиги ва барқарорлиги, қонунийлик, адолатлилик, халққа хизмат қилиш, давлат органлари мансабдор шахсларининг жамият ҳамда фуқаролар олдида масъуллиги сингари кўллаб муҳим жиҳатлар давлат фуқаролик хизматининг асосий принциплари этиб белгиланди. Давлат фуқаролик хизмати ходимлари мотивация асосида самарали ва сифатли фаолият юритишлари,

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАНАДИ?

бажариладиган функцияларнинг жамият эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлаши, фуқаролар билан давлат хизматчилари ўртасида муносабатларнинг ижобийлиги ҳамда давлат органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлашга ҳисса қўшиши лозим. Давлат хизматчилари фаолиятини баҳолашда асосий ургу фуқаролар билан ишлаш тизимига қаратилади. Давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан биргаликда жавобгарлиги ҳам белгиланди. Давлат фуқаролик хизматчисининг қонунга хилоф ҳаракатла-

ри (ҳаракатсизлиги), шунингдек, хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Эндиликда, Давлат фуқаролик хизматчисининг ҳаракатлари ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига сабаб бўлди деб ҳисобловчи жисмоний ва юридик шахс бундай ҳаракатлар устидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишга ҳақли. Хорижий мамлакатларда ҳам давлат хизматчилари фаолиятини баҳолашда фуқаролар билан ўзаро муносабатлари доирасида

қараб белгилаш тизими амал қилади. Мамлакатимизда "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонунда давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш тартиби назарда тутилган. Давлат фуқаролик хизматчисининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш предмети бўлиб ҳисобот даври якуни бўйича у томонидан ўрнатилган индивидуал асосий самарадорлик кўрсаткичига эришиш даражаси ҳисобланади. Ҳисобот даври давлат органи ва ташкилоти томонидан асосий самарадорлик кўрсаткичининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади.



тизимини татбиқ қилиш тартиби асосий самарадорлик кўрсаткичи асосида давлат фуқаролик хизмати масалалари бўйича ваколатли орган томонидан тасдиқланади. Демак, давлат хизматчилари фаолиятини баҳолашда халқ билан мулоқот қилиш асосий мезон вазифаси-

ни бажаради. Давлат дастури асосида мазкур масала амалда рўйбга чиқса, бу халқимиз манфаатларига хизмат қилади. **Даврон АЧИЛОВ,** "Ўзағроинспекция"нинг Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи.

